

“Ал-Азхар” шайхи Аҳмад Муҳаммад Тоййиб юртимизга ташриф буюрди



19:42 / 10.10.2018 3173

Бугун, 10 октябрь куни Миср Араб Республикаси Бош имоми, “Ал-Азхар” диний мажмуаси раҳбари, шайх Аҳмад Муҳаммад Тоййиб бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати [хабар бермоқда](#).



“Ал-Азхар” шайхи Аҳмад Муҳаммад Тоййиб ҳазратлари Ўзбекистонга ташрифлари давомида Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бўлиб, бир қатор маърифий учрашувлар ўтказиши режалаштирилган.



Шайх ҳазратларининг диёримизга ташрифи сайтимизда батафсил ёритиб
борилади.